



## БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома
2. Техник кисем
3. Нархлар кисеми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Фарғона вилояти Қувасой шаҳри 13-умумий мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишлари (АРТ, АТТА лойиҳаси, топография ва геология ишлари ҳаражасатлари билан бирга) (қиймати КҚС билан).**

- 1.2. Танловнинг юкори қиймати КҚС билан **245 316,655 сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикilmайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисемда илова килинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва голиб бўлган катнашчи билан шартномаимзоланган кундан бошланади.
- 1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли маизилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг **30%** микдорида аванс тўловини ўtkазиб беради.
- 1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, кабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган ҳолда, бажарилган ишлар учун шартномавий кийматининг **70%** доирасида амалга оширилади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. **Қувасой шаҳар мактабгача таълим бўлими** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: **Қувасой шаҳар МТБ га карашли 13-мтт**

Эл.адрес [ya.azizxon@mail.ru](mailto:ya.azizxon@mail.ru)

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харидкомиссияси томонидан ўтказилади

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар куйилади:
  - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукуқий лаёкат ва ваколатлар;
  - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
  - Лицензия, гувохнома;

- Танлов иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солик тўловларидан бўлган карздорлик маълумоти;
- Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси;
- Транспорт воситалари, оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати;
- Кафолат хати (буортмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувоғик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тутатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буортмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисемда, “Буортмачи” томонидан кўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар кисеми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
- Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахе имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаబ ётилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (броноралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатларрўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчisi:

- факт битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигигатўлик жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтараб олиш ёки ўзгартириш киритини ҳукукига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факт ҳарид комиссияси йигилиши қарориасида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталидажойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат ҳаридлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган

тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор кабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳакикийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор кабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартаришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартираслиги керак.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни, кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларирига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисигатегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади



Кувасой шахар Мактабгача таълим  
бўлими таддиди:

БО.Кўзиев

Кувасой шахар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги №13-MTT биносини жорий  
таъмирлаш ишлари учун

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Ишлар номи	№13-MTT биносини жорий таъмирлаш ишлари
2	Буортмачи	Кувасой шахар Мактабгача таълим бўлими
3	Қабул килувчи жойлашган манзили	Кувасой шахар А.Азизов кўчаси 235 а уй
4	Қатнанивчилар учун талаблар	Товар, иш ва хизматларни киска муддатларда етказиб бериш ва ўз вактида буортмачига топшириш
5	Тижорат таклифи тақдим этиш шартлари	Ташкилот низоми, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома, соликдан ва бошка мажбурий тўловлардан карзи йўклиги тўғрисида, кайси турдаги солик тўловчи эканлиги тўғрисида, ташкилотнинг балансида мавжуд машина механизмлари тўғрисида, ходимлари тўғрисида маълумотларни тақдим қилиши шарт
6	Етказиб берилган маҳсулотлар ёки хизматлар учун хисоб-китоб	Етказиб берилган товар, иш ва хизматлар бўйича тақдим қилинган хисоб фактурага мос ҳолда тўланади
7	Ишларни бажари муддати	Шартнома имзоланиб товар, иш ва хизматлар учун олдиндан 30% тўлов ўтказилгандан сўнг 10 кун муддат ичida бажариш
8	Техника ҳавфсизлиги бўйича талаблар	Товар, иш ва хизматларни етказиб бериш ва бажариш вақтида техника ҳавфсизлиги койдаларига тўлиқ риоя қилиши шарт
9	Молиялаштириш манбаси	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблаглари хисобидан
10	Бажарилган ишлар киймати	245 316 655,0 (иккиз кирқ беш миллион уч юз ўн олти минг олти юз эллик беш сўм)